

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНОВ ШЕРАЛИ ДОЛИХОНОВИЧ**

**НАМАНГАН БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЖАНРЛАР ТАРКИБИ  
ВА ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Турғунов Шерали Долихонович**

Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва локал  
хусусиятлари.....3

**Турғунов Шерали Долихонович**

Локальные особенности и жанровый состав наманганского детского  
фольклора.....25

**Turgunov Sherali Dolixonovich**

The local features and genre composition of Namangan children's folklore  
.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНОВ ШЕРАЛИ ДОЛИХОНОВИЧ**

**НАМАНҒАН БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЖАНРЛАР ТАРКИБИ  
ВА ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil675 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мирзаева Салима Райимжановна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Турдимов Шомирза Ғаниевич</b> филология фанлари доктори  <b>Қўшмоқов Муҳаммадали</b> филология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

**Л.Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш.Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё халқлари фольклоршунослигида болалар томонидан яратилган ёхуд улар учун катталар томонидан ижод қилинган тез айтиш, топишмоқ, ўйин қўшиқлари, болалар эртаклари сингари турли жанрдаги асарлар алоҳида ўринга эга. Инсоният қадимдан ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, тарбиявий ғояларни болалар фольклорида бадиий, таъсирчан услубда акс эттириб келган. Уларни кенг қўламда пухта ўрганиш натижасида болалар ҳаёти, турмуш тарзи, ўтмиши, бугуни ва келажаги, ўй-кечинмалари, руҳияти, орзу-интилишлари, қизиқишларининг фольклорда ифода этилишига хос поэтик қонуниятлар, ижтимоий-психологик омиллар, бадиий шакл типлари, ареал ва локал хусусиятларни билиб олиш имкони пайдо бўлади.

Жаҳон фольклоршунослигида ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англатадиган, турли асосдаги локал хусусиятларни ўзида мужассам этган болалар фольклори намуналарининг катталар ва болалар томонидан яратилиш жараёни, маънавий-руҳий эҳтиёжи, жанрлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, мавсумий-маросим қўшиқлари ва уларнинг структурал-семантик хусусиятлари, поэтикаси, постфольклор тарзида яшаши тадқиқи долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди. Хусусан, ўзбек болалар фольклорини регионал тадқиқ этиш, ареал фольклоршунослик нуқтаи назаридан баҳолаш ҳамда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос локал хусусиятларини аниқлаштириш ечимини кутаётган илмий муаммолардандир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён номоддий маданий меросимизни, жумладан, болалар фольклорини ҳам барча ҳудудлар бўйича тўплаш ва тадқиқ этиш фольклоршунослигимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолди. “Фольклоршунослик санъати... бу – инсониятнинг болалик қўшиғи”<sup>1</sup> сифатида ўз келажагимизни кафолатлашда, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда болалар фольклори ҳам ўзига хос жанрлари, ижод ва ижро хусусиятлари, тарбиявий-эстетик моҳияти, поэтик белгилари билан алоҳида тизим сифатида намоён бўлади. Унга хос жанрлар нафақат хилма-хиллиги, балки ҳар бир жанрининг спецификаси билан ажралиб туради. Айни пайтда болалар фольклори намуналари ҳар бир ҳудудда маълум локал хусусиятларга эга. Ушбу жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш эса умумўзбек фольклоршунослигининг долзарб вазифаларидан бўлиб, болалар фольклори жанрларининг локал хусусиятлари ва ҳудудий ранг-баранглигини асослаш имконини беради.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ № 222-сон “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX асрнинг II чорагида рус фольклоршунослигида бошланган болалар фольклорини алоҳида ўрганиш ҳаракатининг таъсирида ўзбек фольклоршунослигида ҳам XX асрнинг 20-йилларидан кейин бу фаолият бошланди. Илк бор ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталарида Г.С. Виноградов томонидан қўлланган “болалар фольклори” термини 60-йилларга келиб ўзбек фольклоршунослари тадқиқотларида ҳам кўринди.<sup>2</sup> Ўзбек фольклоршунослигида болалар фольклорини тўплаш ва илмий ўрганишнинг бошланишида Ғози Олим Юнусовнинг “Алла тўғрисида бир-икки оғиз сўз” мақоласи алоҳида қиммат касб этди.<sup>3</sup> XX аср бошларида асосий касби ўқитувчи бўлган Элбек таълимда болалар халқ кўшиқларидан фойдаланиш мақсадида уларни йиғишга эътибор қаратди ва тўплаган материаллари асосида “Болалик кўшиқлари” (1936) тўпламини эълон қилди.<sup>4</sup>

Ўзбек болалар фольклорининг назарий асослари Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, Ҳ.Рўзметов, Ш.Ғалиев, Н.Сафарова, С.Авезовларнинг тадқиқотлари орқали бирмунча чуқур ишланди<sup>5</sup>. Айниқса, О.Сафаров ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб болалар фольклори йигирмадан ортиқ поэтик жанрлардан таркиб топган яхлит бир тизим экани, у ҳам катталар, ҳам

<sup>2</sup> Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. – Toshkent: Musiqachi, 2010. – B. 368.

<sup>3</sup> Юнусов Ғ.О. Алла тўғрисида бир-икки оғиз сўз // Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1926. – № 6. – Б. 25-26.

<sup>4</sup> Амонов У. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиш тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 87.

<sup>5</sup> Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 122 б.; Сафаров О. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1983. – 88 б.; Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.; Рўзметов Ҳ. Хоразм болалар фольклори: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 156 б.; Ғалиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998. – 96 б.; Сафарова Н. Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати. – Тошкент: Фан, 2008. – 120 б.; Авезов С. Санама жанри табиати ва бадиияти. – Тошкент: Фан, 2008. – 104 б.

болалар ижрочилиги ва ижодкорлиги ҳосиласи сифатида яратилганини асослаб берди. Ўзбек болалар фольклорида ўзигача аниқланган аллалар, тез айтиш, гулдур-гуп, ўйин сингари жанрлар қаторида айтим-олқиш, овутмачоқ, эркалама, қизикмачоқ, алданмачоқ, қайтармачоқ, ялинчоқ, хукмлагич, аразлама, яраштиргич, тегишмачоқ, масхаралама, чандиш, чорлама, чеклашмачоқ, санама, тарқалмачоқ каби жанрлар ҳам борлигини далиллади. Уларга мос атамаларни илмий истеъмолга олиб кириб, жанрий табиати ва бадииятини очиб берди<sup>6</sup>.

О.Сафаров, Й.Султонов, Н.Раҳмонов, Ш.Турдимов, М.Ёқуббекова, Собир Эҳсон Турк ва К.Нуржонов, М.Жўраев, Ш.Шомусаровлар томонидан тайёрланган тўпламлар ҳам ўзбек болалар фольклорини йиғиш ва нашр қилиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди<sup>7</sup>.

Бироқ, Наманганда истиқомат қилувчи аҳолининг болалар фольклори ҳозирга қадар филологик жиҳатдан махсус илмий тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунинг учун ҳам ҳудуд аҳолисининг болалар фольклорини яхлит тизим сифатида ўрганиш ҳозирги ўзбек фольклоршунослигида фольклор аъёналарининг юртимизда сақланиш ва ривожланиш ҳолатини аниқлаш учун жуда муҳимдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети филология факультети “Ўзбек адабиётшунослиги” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Наманган болалар фольклорининг жанрлар тизими ва таркибини, генезисини, тарихий-тадрижий ривож қонуниятларини белгилаш, бешик ва суйиш, мавсумий-маросимий, сатирик ва юмористик, ўйин кўшиқларининг бадииятини ўрганиш ҳамда ўзига хос локал хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Наманган болалар фольклори материалларининг ёзиб олиниши, нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилиш тарихини ёритиш асосида уни ареал жиҳатдан ўрганишнинг долзарб муаммо эканини далиллаш;

---

<sup>6</sup> Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.

<sup>7</sup> Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари (Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Сафаров О., Очилов К.). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 336 б.; Алла-ё алла (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Сафаров О.). – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 160 б.; Ўзбек болалар халқ ўйинлари (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Сафаров О.). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2011. – 176 б.; Safarov O. O‘zbek xalq bolalar o‘yinlari. – Toshkent: Sharq, 2013. – 176 б.; Эл суярим, алла. Ўзбек халқ аллалари (Тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Сафаров О.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 96 б.; Қайнар булоқ. Ўзбек болалар фольклоридан намуналар (Тўпловчи: Султонов Й.). – Тошкент: Чўлпон, 1991.; Читтигул (Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Султонов Й., Раҳмонов Н., Турдимов Ш.). – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 96 б.; Алла, алла, оппоғим (Нашрга тайёрловчи: Ёқуббекова М.). – Тошкент, 2002. – 28 б.; Хоразм хазинаси (Тўпловчи: Собир Эҳсон Турк, нашрга тайёрловчи: Нуржонов К.). – Урганч: Хоразм, 1996. – 126 б.; Ой олдида бир юлдуз: Ўзбек халқ маросим кўшиқлари (Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: Жўраев М.). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 160 б.; Улуғ ой умидлари (“Ё рамазон” кўшиқлари) (Тўплаб, нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари: Жўраев М. ва Шомусаров Ш.). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001. – 94 б.

Наманган болалар фольклорини умумўзбек фольклори контекстида ўрганиш заруратини асослаш учун унинг ўзига хос табиати ва номоддий маданий мерос тизимида тутган ўрнини белгилаш;

Наманган болалар фольклорининг локал хусусиятлари, жанрлар тизими ва таркибини аниқлаш ва тасниф қилиш;

Наманган болалар оғзаки шеърлятида мавжуд жанрларнинг тарихий-этнографик асослари, ҳаётий-маиший вазифалари, поэтик ва ижро хусусиятлари, тарихий-тадрижий ривожланиш қонуниятларини кўрсатиб бериш;

худуд болалар фольклорида бешик ва суйиш, мавсумий-маросимий, сатирик ва юмористик, ўйин кўшиқларининг структурал-семантик хоссалари, қадимий эътиқодлар билан боғлиқ жиҳатлари, мавзу кўлами, лингвопоэтик тасвир ва ифода воситаларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган болалар фольклорининг бешик ва суйиш, мавсумий-маросимий, сатирик ва юмористик ҳамда ўйин кўшиқлари танланган.

**Тадқиқот предмети** Наманган вилоятида истиқомат қилувчи аҳолининг болалар фольклори жанрлар таркиби, мавзу кўлами, локал хусусиятлари ва поэтикаси масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, бадиий таҳлил, этнофольклористик, ареал ҳамда лингвистик тадқиқ усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

худуд болалар фольклоридаги бешик ва суйиш, мавсумий-маросимий, сатирик ва юмористик ҳамда ўйин кўшиқларнинг ҳаётий-маиший вазифалари, тарихий-генетик, ижтимоий-этнографик асослари, тадрижий ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари, постфольклор намунаси сифатидаги хусусиятлари очиқ берилган;

Наманган болалар фольклорининг яратилиши, ижро қилиниш ўрни, вақти, ижро жараёни билан боғлиқ худудий-локал хусусиятлари аниқланган;

Наманган болалар фольклорига оид материалларнинг яхлит бадиий тизим сифатидаги умумўзбек фольклори аънаналари билан муштарак жиҳатлари ойдинлаштирилган ва шу асосда болалар фольклорини локал хусусиятларига кўра ареал жиҳатдан тўплаш, нашр қилиш ва тадқиқ этиш тамойиллари асосланган;

Наманган болалар фольклорини худудий асосда ўрганиш, жанрлар тизими ва таркибини таснифлаш орқали ўзбек болалар оғзаки ижоди жанрларининг мукамал таснифини яратиш имконияти кенгайгани исботланган;

Наманган болалар оғзаки шеърляти жанрларининг структурал-семантик хоссалари, қадимий эътиқодлар билан боғлиқ жиҳатлари, уларнинг мавзу кўлами ва лингвопоэтик тасвир ва ифода воситалари нуқтаи назардан ёритилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Наманган болалар фольклорининг бадиияти тадқиқ этилган ва ўзига хос локал хусусиятлари, жанрлар таркиби аниқлаштирилган;

Наманган болалар фольклори жанрлар тизимининг умумўзбек болалар фольклори номоддий маданий мероси контекстида тутган ўрни белгиланган;

Наманган болалар фольклорининг жанрий таркибини ареал тадқиқ этиш асосида чиқарилган назарий хулосалар умумўзбек болалар фольклори жанрлари генезиси ва поэтикасига доир муҳим илмий маълумотлар бериши, халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, диссертацияда таҳлилга тортилган фактик материаллар маданий-маърифий тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида болалар фольклорини тарғиб ва ташвиқ қилишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, бадиий таҳлил, этнофольклористик, ареал ҳамда лингвистик каби тадқиқ методлари билан асослангани, ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, Наманган болалар фольклорининг локал хусусиятларини ёритишда илмий-тарихий ва адабий манбаларга таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат Наманган болалар фольклорининг шаклланиш жараёни ва тарихий-тадрижий тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги мавжуд илмий қарашларни кенгайтиради ва бойитади, балки умумўзбек болалар фольклорининг, болалар кўшиқ ижодкорлиги ва ижрочилигининг ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарзда яратилиши, сақланиши ва тадрижий ривожланиши, уларнинг тарихий илдизлари ва маъно-мазмуни ҳақидаги қарашлар асосида фольклоршунослик, педагогика, мактабгача таълим, этнография, адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик фанларининг тараққиётига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Наманган болалар фольклори жанрларининг ҳудудий ранг-баранглиги ва специфик хусусиятлари ҳақидаги қарашлар фольклоршунослик билан бир қаторда педагогика, мактабгача таълим, этнология, адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг янада такомиллашувига хизмат қилишида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Наманган болалар фольклорининг ўзига хос табиати, локал хусусиятлари, жанрлар тизимининг хоссаларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диссертациянинг болалар фольклорининг ҳазил ва кулгига асосланган жанрлари таркибига кирувчи масал типидagi болалар латифаларига оид назарий хулосаларидан ЁФ–8-08 “Масал ва масал типидagi асарларнинг қиёсий-типологик тадқиқи” (2010 – 2011) фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастури лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 июльдаги 89-03-2650-сон маълумотномаси). Натижада илмий тадқиқот хулосалари мажозий тимсолларнинг жанрлараро

трансформацияси жараёнлари ҳамда масал типдаги болалар фольклори жанрлари сюжет мотивларининг масал жанри билан муносабати масалаларини ёритишга хизмат қилган;

тадқиқотдаги болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари, болалар нутқидаги гендер фарқлар, мулоқот жараёнининг ёшга доир ўзига хосликлари, лисоний менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, шунингдек, гендер фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний, структур ҳамда вазифавий ўзига хосликлари каби масалаларни ўрганиш натижалари Андижон давлат университетида бажарилган ИДТ-1-57 рақамли “Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” (2012-2014) амалий лойиҳасида татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 июндаги 89-03-2424-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа болалар нутқининг социолингвистик, психолингвистик хусусиятларини ойдинлаштиришга доир илмий асос билан таъминланган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти бўлими “Мафтункор ва бетакрор” телекўрсатувини тайёрлашда Наманган болалар фольклорининг ўзига хослиги, унинг худудий жиҳатдан ўзаро фарқланишига оид илмий қарашлар ва хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Наманган вилояти бўлими 2019 йил 21 июндаги 08-02-487-сон маълумотномаси). Натижада Наманган болалар фольклорининг ўзига хос локал хусусиятлари ҳақидаги назарий маълумотлар ушбу телекўрсатув материалларини мазмунан бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро конференциялардаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан, илмий мақолалар тўпламларида 3 та, матбуот нашрида 1 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 5 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган бўлиб, 153 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбек фольклори ареали таркибида Наманган фольклорининг ўрни”** деб номланиб, унинг биринчи фаслида *“Наманган фольклорининг ўрганилиш тарихи”* баён этилади. Зеро, Наманган азалдан ўзига хос фольклор намуналари, кўшиқчилик, эртақчилик, дostonчилик ва қиссахонлик анъаналари билан эътиборга тушган маданий масканлардан биридир. Шунга кўра, ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди ареал таркибида алоҳида ўринга эгаллиги кузатилади. Хусусан, Косонсой адабий доирасида *“Шоҳномахонлик”*, *“Машрабхонлик”*, *“Бедилхонлик”* турли руҳда қиссахонлик айрича бир анъана бўлган. Халқнинг пешқадам зиёлилари Мулла Жўра Охунд, Тўра бобо, Абдуҳомид Охунд, Мулла Абдусаттор пешқадам, Қаландар қори, Хусайн ҳожи усталарнинг ўз қиссахонлик гурунг доиралари бўлган. Улар ҳар ойда йиғилишиб *“Шоҳнома”*, *“Саидбаттолиғозий”*, *“Қаҳрамони қотил”*, *“Самаки Айёр”* *“Қиссаи девонаи Машраб”*, *“Қиссаи Жамшид”* каби китобларни<sup>8</sup> ўқишган.

Наманганлик фольклоршунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Т.Ғозибоев томонидан тўплаб нашр этирилган *“Гулпариди”* (Наманган эртақлари (1969)<sup>9</sup> ҳамда Т.Ғозибоев, Н.Ҳожимурод қизи, А.Собировлар томонидан янгиқўрғонлик Абдуқаҳҳор Жабборов, Ҳалима Нуриддинова, Саримсоқ ота Бекниёзов, Тоҳир Қодиров, Убайдулла Қамбаров; уйчилик Ирисбой Тожибоев, Дехқонбой Баҳромов; тўрақўрғонлик Зубайра Наимова, Эгамберди ота Олимов; чуствлик Иброҳим Рафиқов, Юсуфхон Алиев каби қирқдан зиёд эртақгўйлардан ёзиб олиб нашр этирилган *“Наманган эртақлари”*<sup>10</sup> (1998)нинг ҳам бу борада ўз ўрни ва қиммати бор. Айниқса, Т.Ғозибоев ва А.Собиров тўплаб, нашрга тайёрлаган, Абдушукур Собиров сўзбошиси билан чоп этилган *“Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари”*<sup>11</sup> тўплами жанрий ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Агар унинг мундарижасига назар ташланса, тўпламдан меҳнат кўшиқлари, *“Худоёрнинг дастидан”*, *“Маллабой”*, *“Келмас Коросконнинг суви”* сингари тарихий кўшиқлар, *“Омонёр”*, *“Ҳо-ҳо ялли”*, *“Воҳай бола”* каби анъанавий кўшиқлар, *“Кунга қараб боққан болам”*, *“Афғонистонда ҳалок бўлган йигитларга”* деб сарлавҳаланган замонавий кўшиқлар, ёр-ёрлар, келин салом, ўланлар, аллалар, марсиялар, мақоллар, халқ пандномалари, болалар фольклори, қадимги тўптош ўйинлари, топишмоқлар, эртақлар (*“Ёз билан Қиш”*, *“Шамсиддин ва Иномиддин”*, *“Олмаҳон билан булбул”*, *“Фидойи дўст”*, *“Чол билан кампир”*, *“Тулки, хўроз ва эчки”*, *“Ақлли каптар”*, *“Муғомбир тулки”*, *“Ақлли эчки”*), Раззоқ шоир Қозоқбой ўғлининг *“Бобо Алишер”* термасидан парча, *“Нима айтай?”* термаси, Ҳайдар санновчи Бойчаев, Алимқул

<sup>8</sup> Ҳомидий Х. Йиллар самари. Илмий мақолалар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2015. – Б. 227.

<sup>9</sup> Гулпариди. Наманган эртақлари. (эртақларни ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ғозибоев Т.). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. – Б. 275.

<sup>10</sup> Наманган эртақлари (Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчилар: ҒозибоевТ., Н. Ҳожимурод қизи, Собиров А.). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 169-171.

<sup>11</sup> Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари (Тўпловчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ғозибоев Т., Собиров А., сўзбоши муаллифи: Собиров А.). – Наманган, 1993. – 112 б.

бахши Ниёзов, Мамадали Неъматов, Матрайим бахши Болтабоев таржимаи ҳоли ва термаларидан намуналар, Алимқул бахши Ниёзов репертуаридаги “Замонбек” достонидан парчалар ўрин олганлиги кўзга ташланади. Тўпламда Наманган болалар фольклори намуналарига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.<sup>12</sup> Бу маълумотлар асосида Наманган ҳудудида оғзаки ижод анъаналари яхши тараққий топганлигини англаш мумкин.

Иқтидорли халқ ижодиёти ижрочиларининг фаолияти, ўзига хос анъаналари Т.Ғозибоев, М.Муродов каби таниқли фольклоршунос олимлар ва янгиқўрғонлик ўқитувчи Р.Исҳоқов ҳамда У.Саримсоқов, О.Холмирзаев сингари Чортоқ туманидаги пешқўрғонлик адабиёт ўқитувчилари томонидан XX асрнинг 50 – 60-йилларида қизгин ўрганилган.

Фольклоршунос М.Жўраев Бўстонхон ая Пошшаева ташаббуси билан Наманган шаҳридаги 7-сонли маданият уйи қошида ташкил қилинган “Ёр-ёр”, Янгиқўрғон туманига қарашли “Чашма”, Поп туман Маданият уйи қошида ташкил этилган “Ҳазрати Боб” фольклор-этнографик жамоалари репертуарини ўрганиб, анъанавий фольклор намуналаридан ташқари, Фарғона водийсига хос катта ашулалар, истиқлол бахш этган миллий хурлик ва шахс руҳий эркинлигини, озод ва обод Ватанни тараннум этувчи кўплаб янги термаларни ёзиб олган.<sup>13</sup>

Ҳ.Ҳомидийнинг “Йиллар самари” илмий мақолалар тўпламида Наманган ҳудудига қарашли Косонсой фольклори, унинг оғзаки ижод неъматлари ҳақида алоҳида тўхталинган. Унда тожик ва ўзбек болалари ижод намуналарини икки тилда баравар куйлашлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.<sup>14</sup> Бу эса Наманган ҳудудига қарашли айрим жойларда (жумладан, Косонсойда) фольклорнинг зуллисонайнлик, яъни икки тиллилик хусусияти борлиги, шунингдек, ижод намуналарида ширу шакарлик мавжуд эканидан далолат беради:

<i>Омад фасли баҳорон, Пур лола шуд кўҳсорон. Мо ба кўҳсор давидем, Як доман лола чудем.</i>	<i>Келди баҳор, гул баҳор, Тоглар бўлди лолозор, Биз тоғларга югурдик, Бир домон лола тердик.<sup>15</sup></i>
--	--

Биринчи бобнинг “Наманган халқ кўшиқчилигининг ареал кўриниши” деб номланган иккинчи фаслида Наманган фольклорининг локал белгилари ҳақида сўз юритилади. Унинг локал белгилари, аввало, образлар оламида, тилида – шеvasида янада ёрқин акс этади.

Наманган халқ кўшиқчилиги ареал белгилари ҳудуддан ёзиб олинган болалар кўшиқчилигида ҳам кузатилади. Жумладан, Наманган номи ҳудуд ва унинг атрофида яратилган халқ кўшиқларида кўп тилга олиними, топоним

<sup>12</sup> Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари (Тўпловчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ғозибоев Т., Собиров А., сўзбоши муаллифи: Собиров А.). – Наманган, 1993. – Б. 54 – 56.

<sup>13</sup> Ўраева Д. Семурғ кўнар давлатманднинг бошига. Филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев ижодий портретига чизгилар. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. – Б. 112 – 122.

<sup>14</sup> Ҳомидий Ҳ. Оғзаки ижод неъматлари. Косонсой фольклори ҳақида. / Йиллар самари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2015. – Б. 227.

<sup>15</sup> Ўша манба. – Б.224.

сифатида талмеҳ қилиб келтирилиши, Наманган географиясига хос сўлим жой номлари (Норин, Шўрбулоқ, Чуст, Ахси каби), дарё ва сойлари, мева-чевалари, ширмон нонлари, Чуст дўпписи ва пичоқлари, Наманган шойи ва атласлари, ипаги, тўну чорси (белбоғ)лари, айниқса, гулларига бадий ишора кўп кузатилади. Уларнинг ижод намуналари таркибида образлантирилиши ҳудуд фольклори поэтикасига хос муҳим локал белгилардан бири сифатида эътиборни тортади. Масалан:

*Наманган сойига тушди пичогим,  
Қачон келар экан бўз тўпичогим.*<sup>16</sup>

Ёки:

*Наманган сойига тушди обдастам,  
Қачон келар экан бўйи барвастам?*<sup>17</sup>

Яна:

*Наманган сойда қолган тарогим  
Қачон келар экан қоши барогим.*<sup>18</sup>

Ўтмишда севган ёрини ёки турмуш ўртоғини, умуман, яқин кишисини узок сафарга юборган аёллар унинг тез орада, соғ-саломат қайтишини тилаб, оқар сойларга рўзғорда ишлатилиб турилган бирор турмуш предметини, қўшиқда тилга олинаётгандек, ё обдаста, ё пичоқ, ё тароқ, ё маржон ёки узук кабиларни атайлаб оқизишган. Сув культига садақа қилинган бу предметларнинг магик кўмак беришига ишонишган. Шунингдек, бундай амални бахти очилмай, ўзига муносиб ёр топилишини кутиб юрган қизлар ҳам бажаришган. Ҳозирги вақтга келиб эса сувга садақа сифатида ташланган нарсалар номи эстетик моҳият касб этиб, ўз ёри учун жонини ҳам аямайдиган фидойиликни англатувчи бадий тимсолга айланган.

Наманганнинг олмалари таърифи янада машҳур. Уларнинг шуҳрати ва таърифи халқ кўшиқларига ҳам муҳрланган:

*Наманганнинг олмаси,  
Анори бордир-ей,  
Ҳар кимнинг кўнглида  
Севгани бордир.*<sup>19</sup>

Шу ўринда келтириляётган Наманган топонимини асло “Бухоро олмалари” ёки “Андижон олмалари” деб, бошқа номга алмаштириб бўлмайди. Чунки бу ҳудудлар олмаси билан ном қозонган эмас.

Наманганни дунё аҳли гуллар шаҳри сифатида эътироф этади. Ҳар йили ҳудудда гуллар байрами анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. У.Қорабоев бу ҳақда шундай ёзади: “Тантанали гул байрами Наманганда ўтиши ҳаммага маълум. Гўзал қалбли ва нозик дидли наманганликлар табиат чиройини, унинг бебаҳо инъомларини азалдан қадрлаб, уларга алоҳида муҳаббат билан

<sup>16</sup> Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. – Б. 34.

<sup>17</sup> Ўша манба, 1967. – Б. 66.

<sup>18</sup> Чаманда гул очилибди. Фарғона водийси кўшиқлари (Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Мирзаева С., Эшонова З., Расулова Г.). – Андижон, 2017. – Б. 97.

<sup>19</sup> Ўша манба. – Б. 49.

қарашган. Гул байрамларининг наманганликлар ҳаётига сингиб, яхши анъанага айланиб қолганлиги сабаби ҳам шундан бўлса керак”.<sup>20</sup>

Наманганликларнинг гулларга муҳаббати улар томонидан яратилган халқ қўшиқларида янада ёрқин жилоланади. Хусусан, ниҳоятда болажон ҳудуд аҳолиси орасидан ёзиб олинган аллаларда гуллар номи кўп тилга олингани, айниқса, ниҳоятда нозик ва ўзига хос тароватга эга чақалоқларнинг гулга ўхшатилиши кузатилади:

*Ўзинг гулзор боғимсан, алла,  
Суянишига тоғимсан, алла.*<sup>21</sup>

Фольклоршунос М.Ёқуббекова таъкидлаганидек, гулнинг семантик жиҳатдан фарзанд тушунчасини англатишида ундаги гўзаллик, нозиклик, хушбўйлик, мукаммал мутаносиблик хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Муҳим мослик яна шундаки, гўдак ҳам, гул ҳам ўсиш, ўзгариш, тараққиёт ва етилиш жараёнининг бошланғич нуқтасида турадилар. Шунинг учун ҳам аллаларнинг кўпчилигида фарзандга гулим деб мурожаат қилинади.<sup>22</sup>

Наманганликлар тили ўзига хос шева хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Масалан, қуйидаги қўшиқ матнида қўлланган “ҳилло” диалекти ҳудуд аҳолиси шевасида “ҳийла” деган маънони англатиб келади:

*Эшик олди гулҳовуз,  
Балиқлари тиллодан.  
Наманганнинг қизлари,  
Узоқ юрар ҳиллода.*<sup>23</sup>

Сўнги мисрадаги “ҳиллода” сўзи аслида “ҳиллодан” тарзида қўлланиши лозим эди. Шунда “Наманганнинг қизлари ҳийла ва алдовдан узоқ юради” деган мазмун англашилари. Қолаверса, иккинчи мисрадаги қофия ўрнида келган “тиллодан” сўзига нисбатан “ҳиллодан” сўзи тўлиқ мувофиқлашиб, тўқ қофияга эришилари.

Ўзбекистонда тошкентликлар “-вотти”, бухоролик ва самарқандликлар “-опти”, қаршилиқлар “-ийчи”, хоразмликлар “-вотир” қўшимчаларини қўшиб сўзлашса, наманганликлар “-утти”лаб гапиришадик, бу ҳолат халқ қўшиқлари тилида яна бир локал белги бўлиб қўринади. Масалан:

*Мутти-мутти, дейди,  
Кетуттиман, дейди.*<sup>24</sup>

Нақарот сифатида учрайдиган бу мисраларда Наманган шеваси ёрқин кузатилмоқда. Шунингдек, Наманган шеваси қарлуқ лаҳжасига мансуб эканлиги боис мазкур лаҳжанинг энг кўзга ташланувчан хусусиятларидан бири “а” лабланмаган, олд қатор, кенг унлиси ўрнида “о” лабланган, орқа қатор, кенг унлининг ишлатиши кенг кузатилади:

<sup>20</sup> Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 94.

<sup>21</sup> Наманган халқ оғзаки бадий ижоди намуналари (Тўпловчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ғозибоев Т., Собиров А., сўзбоши муаллифи: Собиров А.). – Наманган, 1993. – Б. 42.

<sup>22</sup> Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларида гул тимсоли // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 59.

<sup>23</sup> Чаманда гул очилибди. Фарғона водийси қўшиқлари (Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Мирзаева С., Эшонова З., Расулова Г.). – Андижон, 2017. – Б. 73.

<sup>24</sup> Ўша манба. – Б. 67.

*Доиранинг қосқони,  
Ипи борми осгани.  
Ёшлигингда ўйнаб ол,  
Оканг борми тўсгани?*

Халқ кўшиқлари асосан доира жўрлигида ижро қилинганлиги боис мазкур кўшиқ матнида кўринганидек, доира (Наманганда кўпроқ “чирманда”, “чилдирма” деб юритилади) ва унинг қисмлари (қосқон, ип) номи кўшиқларда жуда кўп тилга олиниб, образлантирилади. Агар доира қиздирилмаган бўлса, чиройли оҳанг бермайди. Мана шу ҳолат ҳам ҳудуд кўшиқларидан ҳазил-мутойиба тарзида ўрин олгани кузатилади:

*Чирмандамиз пақ-пақа,  
Ўйинчимиз – тошвақа...<sup>25</sup>*

Яна Наманган шеvasида “девор” сўзи “довол”, “новда” сўзи “чапкон” кўринишида ишлатилиши кузатилади:

*Тўрт доволни орасида, алла,  
Гортадурман жабру жафо, болам, алла.<sup>26</sup>*

Ёки:

*Тол ичидан танлаб олган  
Толи чапконим, болам, алла.  
Гул ичидан ҳидлаб олган,  
Гули райҳоним, болам, алла.*

Демак, “фольклор асарлари тилимиз тарихи, шеваларини ўрганиш, сўз бойлигини оширишда... ҳам муҳим манба бўлиб...”<sup>27</sup> хизмат қилади.

Наманган кўшиқларида “Наманганнинг олмаси”, “Наманганнинг пилласи”, “Намангандан чопган от сурунмайди”, “Намангандан чопган от кум талашур”, “Мен борай Наманганга”, “Наманганлик ёримнинг”, “Наманганга қиз берманг, ташлаб кетоман, дейди”, “Наманган борманглар, йўллар хатодир”, “Менинг борар ерим ўшал Намангон”, “Наманганнинг қизлари”, “Наманган йигитлари”, “Наманганнинг кемаси” каби сарбанд мисралар кўп учрайди.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “*Болалар фольклорида постфольклор ҳодисаси*” деб номланади. Наманган болалар фольклори намуналари таркибида кейинги йилларда авж олган телевидения орқали турли сериалларнинг берилиши таъсирида уларнинг қаҳрамонлари ёки жаҳон футбол юлдузлари номига боғлаб яратилган болалар кўшиқлари постфольклор намунаси сифатида учрайди:

*Жам Бого – жангчи,  
Юм Янг – қароқчи.  
Явми хоним ярамас,  
Қирол унга қарамас.*

<sup>25</sup> Айтувчи: Кимёхон Турғунова. Янгикўрғон тумани “Нурафшон” маҳалласи. 1956 йилда туғилган. Ёзиб олди: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 15.10.2018

<sup>26</sup> Айтувчи: Мавлудахон Набиева. Янгикўрғон тумани “Нурафшон” маҳалласи. 1958 йилда туғилган. Ёзиб олди: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 2018 йил.

<sup>27</sup> Musaqllov A. Ma'naviyatimizning teran ildizi. Xalq og'zaki poetik ijodi: tarixi, buguni, istiqboli haqida mulohazalar // Sog'lom avlod uchun. – Toshkent, 2009. – № 4. – B. 23.

Аммо улар болалар репертуарида маълум бир даврдагина фаол истеъмолда бўлган.

Осмонда самолёт пайдо бўлганда анъанавий тарзда болалар томонидан қуйлаб келинган қўшиқ матнида болалар илгарилари узоқ юртларда ўз йигитлик бурчини ўтаётган акасига соғинчларини етказишини самолётдан илтимос қилишлари акс этарди. Бугунги кунга келиб эса қўшиқ матни трансформацияга учраб, ўзида янги бир ҳаётий эҳтиёжни мужассам этган ҳолда постфольклор шаклида яшаб келмоқда. Фольклоршунос М.Қўшмоқов таъбири билан айтганда, яшариш, янгиланиш касб этмоқда.<sup>28</sup> Энди болалар самолётнинг “қанотига” ҳарбий хизмат сафаридаги акаси учун эмас, олис юртларга меҳнат қилиш учун кетган отасига соғинч тўла мактубларини битмоқдалар:

*Самолёт, самолёт!  
Қанотингни пастлаб ўт.  
Қанотингга хат ёзай,  
Россияга ташлаб ўт.  
Россияда-чи менинг  
Бир меҳрибон дадам бор.  
Хатимни бер, ўқисин,  
Ўқисин такрор-такрор.*<sup>29</sup>

А.Мусақулов фольклор асарларининг бу тарзда замонавийлашувини фольклоршуносликдаги эврилиш мотивига қиёслаб, “Бундай эврилишларда туб моҳият ўзгармайди, фақат шакл ўзгаради... Фольклор асарларининг тарихини анъанавий, келажагини замонавий яшаш шакллари белгилаб беради”<sup>30</sup> дейди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фольклоршунос О.Ахмедова тўғри таъкидлаганидек, “... ҳеч бир давр фольклорга мослашмайди, аксинча, фольклор даврга мослашмаса, яшаш ҳуқуқини йўқотади. Айни пайтда бу мослашув кимнингдир ихтиёрига қараб эмас, жамият ривожига тақозосига кўра, табиий кечади”<sup>31</sup>.

**“Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти”** деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фасли *“Наманган болалар фольклорида бешик ва суйиш қўшиқлари жанрий тизими ва таркиби”* деб сарлавҳаланган. Унда Наманган аллаларининг локал хусусиятлари ва бадиияти, болаларга айтиладиган айтим-олқишларнинг Наманган вариантлари, эркалама ва овутомачоқларнинг Наманган локал вариантларига хос специфик белгилар ёритилган.

Наманган болалар фольклори намуналари жанрий таркиби жиҳатидан бой бўлиб, умумўзбек болалар фольклоридаги жанрлар билан, асосан, умумийлик ва мувофиқлик касб этади. Лекин баъзан номланиши, ижро этилиш тарзи,

<sup>28</sup> Бу ҳақда қаранг: Қўшмоқов М. Ҳикмат тошини излаб... Мурод Хидир адабий портретига чизгилар // Адабиёт газетаси. – Тошкент, 2018. 4 июнь.

<sup>29</sup> Айтувчи: Матазимова Сайёра 2001 йилда туғилган. Наманган вилояти, Наманган тумани, Миришкор қишлоғи, Турон-юксалиш кўчаси, 4-а уй. Ёзиб олувчи: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 2018 йил.

<sup>30</sup> Musaqllov A. Ma'naviyatimizning teran ildizi. Xalq og'zaki poetik ijodi: tarixi, buguni, istiqboli haqida mulohazalar // Sog'lom avlod uchun. – Toshkent. 2009. - № 4. – B. 21 – 22.

<sup>31</sup> Ахмедова О. Ўзбек фольклорининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва талқини тамойиллари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 14.



бадий тил хусусиятлари, поэтик қурилиши, образлар ва мотивлар структураси жиҳатидан бир оз фарқланиши кузатилади.

Аллалар Наманган болалар фольклорида ҳозиргача ижроси сақланиб келаётган анъанавий жанрлардан бири бўлиб, улар орасида худудда кенг тарқалган лирик кўшиқ, тўй ёки мотам кўшиқлари таъсирида яратилганлари учрайди. Бу эса фольклорда жанрий кўчиш ҳодисаси сифатида алоҳида эътиборни тортади:

*Отам бор эди эгизлар тоғдек,  
Онам бор эди оқарлар сойдек, алла  
Ҳар гаплари сариёгдек, болам, алла-ё, алла.  
Кўйдимам ўлимнинг дастидан,  
Жоним болам, алла, эркатой болам, алла.<sup>32</sup>*

О.Сафаров тўғри таъкидлаганидек, “бу хилдаги аллаларда она қалбининг тўлғанишлари беҳад чуқурлашиб, энди у ўз туйғулари гирдобида фарқ бўлиб қолади. Натижада энг азиз нарсаси – боласини ҳам унутиб кўяди... Ўзбек аллачилигида бу хилдаги аллалар хийла кўп. Бунинг сабабини ўзбек оналари репертуарининг қашшоқлиги, бинобарин, оғзига қай бир кўшиқ тушса, унга алла нақаротини кўшиб куйлагани билан изоҳлаш тўғри эмас.”<sup>33</sup> Чунки бу каби аллаларда лирик қаҳрамон руҳияти тасвири асосий планга кўтарилади.<sup>34</sup>

Наманган аллаларини кузатиш жараёнида “алла”, “алла-ё, алла” радибли аллалардан ташқари “ҳи, оббо” бирикмаси ҳар бир банд охирида такрорланувчи аллалар ҳам борлиги ва бундай аллалар Наманган аллаларининг катта қисмини ташкил этиши аниқланди. Ёзиб олиш жараёнида “Ҳи, оббо, ҳи, оббо” жумласи айтувчининг ижро учун ўзини тайёрлаб олишига ҳам хизмат қилишининг гувоҳи бўлди. Она (алла ижрочиси, айна вақтда, яратувчиси) “Ҳи, оббо” жумласини такрорлаш орқали ижод намунасини эсга олади ёки айна шу вазиятга мос равишда бадиҳагўйлик қилади :

*Ҳи, оббо, ҳи, оббо.  
Далаларда бош тортган, алла,  
Бугдоймидир, тариқмидир, болам, алла.  
Боласидан ажраганлар, алла,  
Ранги-рўйи сариқмидир, болам, алла.  
Ҳи, оббо, ҳи, оббо.<sup>35</sup>*

Худуддан тўпланган фольклор материаллари орасида болани бешикка белаётганда, биринчи марта чўмилтирганда, бола илк бор қадам ташлаганда, илк бор ўтирганда, илк тишлари кўрина бошлаганда, болага кийим кийдирилганда, қизалоқларнинг сочини ўраётганда, умуман айтганда, бола ҳаётига алоқадор ўзбек халқ маросимлари, урф-одатлари билан боғлиқ тарзда

<sup>32</sup> Айтувчи: Кимёхон Турғунова. Янгиқўрғон тумани “Нурафшон” маҳалласи. 1956 йилда туғилган. Ёзиб олди: Шерали Турғунов. 15.10.2018

<sup>33</sup> Сафаров О. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 15.

<sup>34</sup> Бу ҳақда қаранг: Ёқуббекова М. Ўзбек аллаларида руҳият тасвири // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 2. – Б. 49 – 51.

<sup>35</sup> Айтувчи: Мавлудакхон Набиева, 1958 йилда туғилган. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, “Нурафшон” маҳалласи. 1958 йилда туғилган. Ёзиб олди: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 2018 йил.

ижро этиладиган айтим-олқишларнинг бетакрор кўринишлари мавжуд. Уларнинг аниқланиши ўзбек маросимшунослиги хазинасини бойитиш баробарида унинг янги қирраларини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Наманганда болани биринчи марта чўмилтирганда ҳафтанинг қайси куни эканига алоҳида аҳамият берилади. Бинобарин, бола душанба куни чўмилтирилса, “*Душанбада дўйса-дўйса бўлсин*”, чоршанба куни чўмилтирилса, “*Чоршанбада часа-часа бўлсин*”, яъни “часа (чайса)” Наманган шеvasида “кўп, катта” бўлсин деганидир. Агар бола пайшанбада чўмилтирилса, “*Пайса-пайса бўлсин*” дейилганча чўмилтирилади.<sup>36</sup>

Ўзбек болалар эркалама ва овутмачоқларининг наманганча вариантлари шу жанрдаги умумўзбек намуналари контекстида олиб ўрганилар экан, муштарак хусусиятлари баробарида бадий ифода услубида, тилида ўзига хос локал белгилари намоён бўлиши аниқланди. Худудда тарқалган эркалама ва овутмачоқларнинг аксарияти олқиш характерида эканлиги далилланди.

Эркаламалар кўпинча бобо-бувилар томонидан яратилиши ва ижро қилиниши худуддан ёзиб олинган кўйидаги эркаламадан ҳам билинади:

*Турғуной тантиқ,  
Оподдасини эркасимми?  
Ё ачасини серкасимми?*

Наманган шеvasида бобо – оподда (“оппоқ дада” демоқчи), буви эса ача дейилади.

Йиғлаб турган болани овутиш мақсадида яратилган ва ижро қилиниб келинаётган овутмачоқ жанри намуналари таркибида “йиғлама”, “йиғламагин” сингари мурожаат ва таъкидлар борлиги жиҳатидан эркаламалардан фарқланади:

*Кўзлари мунчоғим,  
Ўзимми овунчоғим.  
Бамисли кўғирчоғим,  
Йиғламагин, тойчоғим.*<sup>37</sup>

Бобнинг иккинчи фаслида “Наманган болаларининг мавсумий кўшиқлари” тадқиқ қилинган. Наманган болаларининг мавсумий кўшиқлари соф мавсумий, мавсумий-маросимий ва мавсумий ўйин-кўшиқлари сифатида намоён бўлади.

Болаларнинг кўйидаги кўшиғи соф мавсумий характерга эга бўлиб, уни баҳор фаслида куйлайдилар:

*Ёмғир ёғалоқ,  
Эчки чақалоқ.  
Бойнинг қизининг  
Қорни юмалоқ.*

Фольклоршунос олим Ш.Турдимовнинг таъкидлашича, “қадимги аждодларимиз кўклам (ёз) ва ҳосилдорлик маъбудини “эчки” тимсолида

<sup>36</sup> Айтувчи: Абдулазизова Донохон. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Соку кишлоғи. Ёзиб олди: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 2018 йил.

<sup>37</sup> Айтувчи: Улуғбоева Ўлмасбу. 1941 йилда туғилган. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос кишлоғи, Бозорбоши маҳалласи, 171-уй. Ёзиб олувчи: Шерали Турғунов. Ёзиб олинди: 2003 йил.

тасаввур қилганлар. Ризқ-рўз берувчи ҳосилдор ерни “Бой кизи” деб атаганлар.”<sup>38</sup>

